



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 19 » avgust

№ 402

Toshkent sh.

Экологик аудит соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик аудит тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг экологик назоратини амалга оширишда экологик аудит фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда экологик аудиторлик хизмати соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик аудит тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи кам бўлган ёки унчалик қўп бўлмаган (локал таъсирга эга) экологик аудит субъектларининг фаолиятига нисбатан экологик аудит ихтиёрий тартибда ўтказилиши;

атроф-муҳитга юқори ва ўртacha таъсир кўrсатиш хавфига эга бўлган экологик аудит субъектлари ҳар йилги мажбурий экологик аудитдан ўтказилиши;

экологик аудиторлик фаолияти экологик аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилиши;

экологик аудиторлик ташкилоти штатида асосий иш жойи экологик аудиторлик ташкилоти бўлган камидаги тўрт нафар экологик аудитор мавжуд бўлишини таъминланиши шартлиги;

экологик аудиторга унда экологик аудиторнинг малака сертификати мавжуд бўлиши талаби қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш учун малака имтиҳонини ташкил этиш, малака сертификатини бериш, экологик аудиторлар ва экологик аудиторлик ташкилотларининг реестларини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда – Экология вазирлиги) ваколатли орган ҳисобланади;

малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш учун Экология вазирлиги хузурида имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

3. Куйидагилар:

Экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Экологик аудиторлик ташкилотлари реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Экология вазирлиги:

бир ҳафта муддатда имтиҳон комиссиясининг шахсий таркиби ва унинг низоми тасдиқланишини;

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилинишини;

экологик аудиторлар ва экологик аудиторлик ташкилотларининг реестлари Экология вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

6. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “19” августдаги 402-сон қарорига
1-илова

**Экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;

талабгор – малака сертификатини олиш учун мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

экологик аудитор – экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

экологик аудиторнинг малака сертификати (кейинги ўринларда – малака сертификати) – экологик аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

Экологик аудиторлар реестри – ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган экологик аудиторлар рўйхати.

3. Малака сертификатини бериш ва қайта расмийлаштириш бўйича хизматлар давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

4. Экологик аудиторнинг малака сертификати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

5. Малака сертификатини олиш учун талабгор қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасига оид (биолог, геолог, гидролог муҳандис, ер геодезия ва картографияси муҳандиси, шунингдек, сув, атмосфера, ер ва ер ости бойликлари муҳофазаси мутахассисликлари) олий маълумотга;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасига ёки турдош соҳаларда кетма-кет камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиш.

2-боб. Малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

6. Талабгор малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

7. Талабгор давлат хизматлари марказига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган ҳолларда эса мустақил равищда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги анкетани электрон шаклда тўлдиради.

Анкета давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилганда, талабгор ундаги маълумотларнинг тўғрилигини текширгандан сўнг, уни ўз электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўз ЭРИсини шу жойнинг ўзида олиши учун барча зарур шароитларни таъминлаши шарт.

Анкетани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли маълумот идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

8. Куйидаги хужжатлар ваколатли орган томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равищда, шу жумладан, “Электрон хукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади:

паспорт (идентификацияловчи ID-карта) ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжатлар;

талабгорнинг белгиланган шаклдаги фотосурати;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид (биолог, геолог, гидролог муҳандис, ер годезия ва картографияси муҳандиси, шунингдек, сув, атмосфера, ер ва ер ости бойликлари муҳофазаси мутахассисликлари) олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки олий маълумот ҳақидаги хорижий хужжатни тан олиш тўғрисида ваколатли давлат органининг гувоҳномаси нусхаси;

иш стажи тўғрисидаги маълумотлар;

жисмоний шахсларнинг фамилияси ва (ёки) исми ўзгартирилган бўлса, бу ҳақидаги маълумотлар.

Давлат хизматлари маркази ва ваколатли орган ўртасида ахборот алмашинуви ЭРИни қўллаган ҳолда, фақат идоралараро электрон ҳамкорлик орқали амалга оширилади.

9. Талабгор давлат хизматлари марказига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этганда, унинг анкетаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгорнинг ЭРИси билан тасдиқлангандан сўнг реал вақт режимида, бироқ бир соатдан ошмаган вақт ичida, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

10. Талабгорнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиши бўйича давлат хизмати кўрсатилганлиги учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида йифим (кейинги ўринларда – йифим) ундирилади.

Талабгор давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, йифим суммасининг 90 фоизи микдорида йифим ундирилади.

Йифим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этилганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига;

0,5 фоизи “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

11. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг анкетаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йифим қайтарилмайди.

3-боб. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби

12. Ваколатли орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

13. Рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳакида ваколатли орган талабгорни уч иш куни ичида электрон шаклда хабардор қилади. Рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг асослари кўрсатилади.

Талабгор томонидан анкета тегишли равишда расмийлаштирилмаганлиги, йифим тўланмаганлиги, талабгорнинг ушбу Регламентнинг 5-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ келмаслиги, шунингдек, ушбу Регламентнинг 51-бандида назарда тутилган ҳолат талабгорга давлат хизматлари кўрсатилишини ҳамда малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

14. Мурожаати рад этилган талабгор рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этганидан сўнг ушбу Регламентда белгиланган тартибда ваколатли органга ўн иш кунида қайта мурожаат қилишга ҳақли.

Талабгор белгиланган муддатда қайта мурожаат қилганда йигим ундирилмайди.

Талабгор ўн иш куни ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, мурожаат янгидан берилган деб ҳисобланади ва талабгордан йигим ундирилади.

15. Талабгорнинг аризасини қайта кўриб чиқишида илгари малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ваколатли орган малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхатини имтиҳон комиссиясига тақдим этади.

16. Ваколатли орган томонидан малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганда, малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида имтиҳон ўтказилишидан камида ўн кун олдин тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи мурожаат этганда) ёки талабгорга ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этганда) электрон шаклда хабарнома юборилади.

Давлат хизматлари маркази ваколатли органдан электрон шаклда хабарнома келиб тушган кунда уни талабгорга анкетада кўрсатилган электрон манзил бўйича юборади. Давлат хизматлари маркази талабгорнинг сўровига кўра хабарномани қофоз шаклида ҳам бериши лозим.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган талабгорга ундирилган йиғим қайтарилилмайди.

4-боб. Имтиҳон комиссияси

17. Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш учун ваколатли орган томонидан доимий фаолият юритувчи, жами тўққиз нафар аъзодан иборат таркибда имтиҳон комиссияси ташкил қилинади. Имтиҳон комиссияси раис, раис ўринбосари, комиссия аъзолари ва котибдан иборат бўлади.

Имтиҳон комиссияси таркибига ваколатли органнинг ходимлари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари жалб этилиши мумкин.

Имтиҳон комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

18. Имтиҳон комиссияси қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

- малака имтиҳонини ўтказиш тартибини тасдиқлаш;
- малака имтиҳони саволларини тузиш;
- малака имтиҳони ўтказиладиган сана, жой ва вақт бўйича таклиф тайёрлаш;
- малака имтиҳонини ўтказиш;
- малака имтиҳони натижаларини расмийлаштириш.

19. Имтиҳон комиссиясининг мажлислари зарурат бўлганда, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, талабгорлардан ариза келиб тушмаган ҳоллар бундан мустасно. Имтиҳон комиссиясининг котиби комиссия мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

Имтиҳон комиссиясининг мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган таркибда ва раис ёки раис ўринбосарининг иштирокида ўтказилади.

20. Имтиҳон комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади. Баённома мажлисда раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

5-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

21. Малака имтиҳони камида уч нафар талабгордан иборат гуруҳнинг шаклланишига кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Малака имтиҳонини ўтказиш санаси ваколатли орган томонидан белгиланади.

22. Малака имтиҳони тест кўринишида компьютер воситаси орқали олинади. Малака имтиҳонининг тест саволлари имтиҳон комиссияси томонидан тасдиқланади.

Малака имтиҳонининг тест саволларига киритилган соҳалар бўйича мавзулар ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тест саволлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Малака имтиҳонининг тест саволлари мазмуни қонунчилик хужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

23. Талабгор томонидан шахсини тасдиқловчи хужжатлар (паспорт, идентификацияловчи ID-карта ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат) тақдим этилган тақдирда, унга малака имтиҳонини топшириш учун рухсат берилади. Ушбу хужжатлари бўлмаган ёки малака имтиҳонига кечиккан талабгор имтиҳонга келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади.

24. Малака имтиҳонининг тест саволлари қуидаги йўналишлар бўйича жами 50 та назарий саволлардан иборат бўлади:

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини (шу жумладан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни) муҳофаза қилиш соҳасида – 10 та;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида – 10 та;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида – 10 та;

сув ва ер ресурслари муҳофазаси соҳасида – 10 та;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар бўйича – 10 та.

Хар битта тўғри жавоб учун бир балл берилади.

25. Малака имтиҳони натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўладиган тўпланган баллар йиғиндиси 40 баллдан кам бўлмаслиги керак.

26. Малака имтиҳони ўтказилаётган вақтда қонунчилик хужжатлари ва йўриқнома материаллари, маълумотномалар ҳамда маҳсус адабиётлардан фойдаланиш, бошқа талабгорлар билан гаплашиш, шунингдек, алоқа воситаларидан фойдаланиш ман қилинади. Ушбу талабларни бузган талабгорларга малака имтиҳонини ўтказиш тартиби бузилганлиги бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, улар аудиториядан чиқарип юборилади ҳамда малака имтиҳонини топширмаган деб ҳисобланади.

Малака имтиҳонида бегона шахсларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

Малака имтиҳонининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишида видеоёзувга (овозли) туширилади ва ушбу видеоматериаллар ваколатли органда камида бир йил сақланади.

27. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади.

Малака имтиҳони натижалари имтиҳон ўтказилган санадан сўнг бир иш кунида имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда ваколатли орган раҳбарига топширилади.

Имтиҳон комиссияси баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- имтиҳон комиссиясининг таркиби;
- малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорлар рўйхати ва уларнинг тўплаган баллари;
- малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорлар рўйхати ва уларнинг тўплаган баллари.

28. Малака имтиҳонини ўтказиш бўйича хужжатлар (тест саволлари ва уларга жавоблар), шунингдек, имтиҳон комиссиясининг баённомалари ваколатли органда беш йил мобайнида сақланади.

29. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор йигимни тўлаш шарти билан малака имтиҳонини топшириш учун хужжатларни мазкур Регламентга мувофиқ қайта тақдим этишга ҳақлидир.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йигим қайтарилмайди.

6-боб. Малака сертификатини бериш тартиби

30. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган шахсга ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича экологик аудитор малака сертификати берилади.

31. Ваколатли орган имтиҳон комиссиясининг баённомаларини қабул қилиб олганидан сўнг бир иш куни мобайнида белгиланган тартибда QR-код қўйилган малака сертификатини расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи мурожаат этганда) ёки талабгорга ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этганда) электрон шаклда юборади.

32. Давлат хизматлари маркази ваколатли органдан малака сертификати электрон шаклда келиб тушгандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ҳамда талабгорни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи. Давлат хизматлари марказига талабгор ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, талабгорнинг сўровига кўра унга малака сертификати электрон ёки қофоз шаклида беради.

Малака сертификати ваколатли орган томонидан талабгорга ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилганда, у автоматик равишда талабгорнинг электрон кабинетида намоён бўлади.

Малака сертификати ҳисобга олиш серияси ва ракамига эга бўлади ҳамда беш йил муддатга амал қиласи.

6-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш

33. Малака имтиҳони натижаларига кўра қабул қилинган қарорлар натижаларидан норози бўлган талабгорлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида ваколатли органга апелляция бериш ҳуқукига эга. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

34. Апелляцияни кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан Апелляция комиссияси ташкил қилинади. Апелляция комиссияси таркиби ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. Апелляция комиссияси таркибига имтиҳон комиссияси таркибига кирган шахслар киритилмайди.

Апелляция комиссияси беш иш кунида берилган апелляцияни талабгор иштирокида кўриб чиқади. Апелляция комиссиясининг иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома апелляция комиссиясининг барча аъзолари ва талабгор томонидан имзоланади.

Апелляция комиссияси апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва малака сертификатини бериш тўғрисида.

35. Имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция ушбу Регламент талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган сабаблар ўз тасдигини топмаса.

36. Имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарор малака имтиҳони ушбу Регламент талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

37. Малака сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ваколатли орган талабгорга малака сертификатини беради.

38. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

7-боб. Экологик аудиторларнинг малакасини ошириш

39. Экологик аудиторлар ҳар икки йилда бир марта экологик аудиторларнинг малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт.

40. Экологик аудиторларнинг малакасини ошириш Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳузуридаги Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ёки белгиланган тартибда аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

41. Малака ошириш курслари ваколатли орган томонидан тасдиқланган ягона ўкув дастури асосида ташкил этилади.

42. Малака ошириш курслари якуни натижаларига кўра Экологик аудиторлар реестрига экологик аудиторларнинг малака оширганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотлар киритилади. Бунда таълим ташкилотлари томонидан малака ошириш курсларини муваффақиятли тугатган экологик аудиторлар рўйхати малака ошириш курси тугаган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай, Экологик аудиторлар реестрига тегишли ёзувлар киритиш учун ваколатли органга юборилади.

8-боб. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш тартиби

43. Илгари берилган малака сертификатида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, талабгор малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун ўн иш кунида давлат хизматлари марказига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат қиласи ёхуд ЯИДХП орқали электрон шаклдаги тегишли мурожаат юборади.

Анкетага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда текширилади.

44. Анкетада хато маълумотлар кўрсатилган тақдирда, мурожаат автоматик равишда рад этилади ҳамда бу ҳақда талабгорга онлайн тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

45. Ваколатли орган талабгорнинг мурожаати келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда дастлаб берилган малака сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати билан малака сертификатини қайта расмийлаштиради ҳамда ушбу Регламентнинг 31-бандида белгиланган тартибда талабгорга юборади.

46. Ваколатли орган малака сертификатини қайта расмийлаштиришда реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади.

47. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун талабгор қайта имтиҳондан ўтказилмайди ва йифим ундирилмайди.

48. Малака сертификатининг эгаси ушбу сертификат қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган малака сертификати асосида амалга оширади.

9-боб. Малака сертификатини бекор қилиш тартиби

49. Малака сертификати қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

малака сертификати эгаси томонидан сертификатни бекор қилиш түғрисида мурожаат этилганда;

малака сертификати эгаси вафот этганда;

малака сертификати эгаси ўз вақтида малака ошириш курсидан ўтмаганда;

малака сертификати эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш түғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирганда;

ваколатли органнинг малака сертификатини бериш түғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги исботланганда;

малака сертификати эгаси томонидан экологик аудит хизматидаги фаолияти мобайнида олинган махфий ахборот хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганда, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

малака сертификати қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги исботланганда;

малака сертификати эгаси сохта экологик аудит хулосасини тузганлиги исботланганда.

50. Ушбу Низомнинг 49-банди иккинчи–бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда малака сертификати ваколатли органнинг қарорига мувофиқ бекор қилинади.

Мазкур Низомнинг 49-банди олтинчи–тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда малака сертификати суд томонидан бекор қилинади. Ваколатли орган малака сертификатини бекор қилиш түғрисида судга ариза билан мурожаат қилган қундан эътиборан бир иш қунидан кечитирмай, малака сертификатини бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда бу ҳақда малака сертификатини олган шахсни ёзма шаклда хабардор қиласди.

51. Ушбу Низомнинг 49-банди еттинчи–тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс ушбу малака сертификатини бекор қилиш ҳақидаги суд қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини қайта олиш учун малака имтиҳонини топширишга кўйилмайди.

52. Малака сертификатининг бекор қилинганлиги түғрисидаги маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

10-боб. Экологик аудиторлар реестрини юритиш тартиби

53. Ваколатли орган Экологик аудиторлар реестрини юритади ҳамда унда экологик аудиторлар түғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари ва яшаш манзили;

иш жойи;

малака сертификатининг серияси, рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

малака сертификатини қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

ваколатли орган зарур деб ҳисоблайдиган бошқа кўшимча маълумотлар.

54. Экологик аудиторлар реестридаги қуйидаги маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда барчанинг танишиши учун очик ҳисобланади:

экологик аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

малака сертификатининг серияси, рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

экологик аудиторлар малака оширганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

малака сертификатини қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

55. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламентнинг талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қиласида мониторинг олиб боради.

56. Талабгор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

57. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Экологик аудиторнинг малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Талабгор	Малака сертификатини олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки электрон шаклда ЯИДХП орқали мурожаат қиласди.	Талабгорнинг хоҳишига кўра
2-bosqich	Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП	Талабгор давлат хизматлари марказига мурожаат этганда, унинг анкетаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгорнинг ЭРИси билан тасдиқлангандан сўнг ёки ЯИДХП орқали мурожаат қиласди – анкета талабгор томонидан мустакил равишда тўлдирилиб, сўнг ваколатли органга электрон шаклда юборилади.	Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинганда реал вақт режимида, бироқ бир соатдан ошмаган вақтда, ЯИДХП орқали эса автоматик тарзда
3-bosqich	Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (ваколатли орган) Давлат хизматлари маркази	1. Талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. 2. Рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор ҳакида ваколатли орган талабгорни электрон шаклда хабардор қиласди. 3. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар, малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи мурожаат этганда) ёки талабгорга ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этганда) электрон шаклда хабарнома юборади. 4. Ваколатли органдан келиб тушган электрон шаклдаги хабарномани талабгорга анкетада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича юборади ва талабгорни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди.	1. Мурожаат электрон кўринишида келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунида 2. Қарор қабул қилинган санадан кейин уч иш кунида 3. Малака имтиҳони ўтказилишидан камида ўн кун олдин 4. Ваколатли орган томонидан электрон шаклда хабарнома келиб тушган кунда
4-bosqich	Талабгор	Белгиланган сана ва вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан (паспорт, идентификацияловчи ID-карта ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) билан имтиҳон ўтказиладиган жойга етиб келади.	Имтиҳон ўтказиш санаси уч нафар талабгордан иборат гурухнинг шаклланишига кўра, лекин камида уч ойда бир марта белгиланади

5-босқич	Ваколатли орган хузурида ташкил этиладиган имтихон комиссияси	<ol style="list-style-type: none">1. Малака имтихонини ўтказади ва имтихон натижаларини эълон қиласди.2. Малака имтихони натижаларини баённома билан расмийлаштиради ва ваколатли органга топшириади.	<ol style="list-style-type: none">1. Имтихон ўтказилиши белгиланган куни2. Бир иш кунидаги
6-босқич	Ваколатли орган Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП	<ol style="list-style-type: none">1. QR-код қўйилган малака сертификатини расмийлаштиради ва уни ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи мурожаат этганда) ёки талабгорга ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этганда) электрон шаклда юборади.2. Малака сертификатини электрон шаклда талабгорнинг электрон почта манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди.3. Давлат хизматлари марказига талабгор ўзи келиб мурожаат қиласди тақдирда, талабгорнинг сўровига кўра унга малака сертификатини электрон ёки қоғоз шаклда беради.	<ol style="list-style-type: none">1. Имтихон комиссиясининг баённомаси қабул қилиб олингандан сўнг кейинги бир иш куни мобайнида2. Малака сертификати электрон шаклда келиб тушгандан сўнг ўн дақиқа мобайнида3. Талабгорнинг сўровига кўра

Экологик аудиторнинг малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

АНКЕТА

*фотосурат
(электрон
ҳамкорлик асосида
маълумотлар
базасидан олинади)*

Анкетани тўлдириши қоидалари:

анкета электрон шаклда тўлдирилади;
барча саналар араб сонларида келтирилади;
анкетанинг барча саволларига тўлиқ жавоб берилиши лозим;
анкетанинг барча қаторлари тўлдирилиши лозим (тўлдирилмаган қаторнинг мавжудлиги бутун анкетанинг тўлдирилмаганлигини англатади).

T/p	Талабгор тўғрисидаги маълумотлар	
1.	Фамилияси (ўзгарган бўлса, ёзилиши керак)	
2.	Исми (ўзгарган бўлса, ёзилиши керак)	
3.	Отасининг исми (ўзгарган бўлса, ёзилиши керак)	
4.	Туғилган йили ва санаси	автоматик тўлдирилади
5.	Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзил	автоматик тўлдирилади
6.	Паспорти ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами	автоматик тўлдирилади
7.	Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
8.	Телефон рақами	

Талабгорнинг электрон рақамли имзоси

Экологик аудиторнинг малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова



Ягона интерактив давлат
хизматлари портали



Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-мухитни
мухофаза қилиш ва иклим
ўзгариши вазирлиги

Хужжат раками:

Хужжат яратилган сана:

ЭКОЛОГИК АУДИТОРНИНГ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

ЖШШИР:

Ф.И.О.:

Паспорт (идентификацияловчи
ID-карта) серия раками:

Фотосурат
(электрон
ҳамкорлик асосида
маълумотлар
базасидан
олинади)

Қачон берилган:

Сертификатнинг амал қилиш
муддати:

0000

(Ваколатли орган мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

Мазкур хужжат Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон карори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали
тўғрисидаги низомга мувофик шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси хисобланади.
Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун
hero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг ноёб ракамини киритинг ёки мобил
телефон ёрдамида QR-кодни сканер килинг.

Диккат! Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон карорига мувофик
электрон хужжатлардаги маълумотлар конуний хисобланади. Давлат органларига Ягона
интерактив давлат хизматлари порталаида шакллантирилган электрон хужжатларнинг
нусхаларини кабул қилишни рад этиши катъян тақиқланган.

QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “19” августдаги 402-сон қарорига
2-илова

**Экологик аудиторлик ташкилотлари реестрини
юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Экологик аудиторлик ташкилотлари реестрини (кейинги ўринларда – Реестр) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Экология, атрофмуҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;

экологик аудитор – экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

экологик аудиторлик ташкилоти – экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс.

3. Реестрга киритиш ваколатли орган томонидан бепул амалга оширилади.

**2-боб. Реестрни шакллантириш ва юритишнинг
асосий вазифалари**

4. Реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

экологик аудиторлик ташкилотлари рўйхатини шакллантириш ва манфаатдор шахслар учун улар тўғрисидаги маълумотлардан электрон фойдаланиш имкониятини яратиш;

экологик аудиторлик ташкилотлари томонидан экологик аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳақидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш;

экологик аудиторлик ташкилотларининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тизимли жамлаб бориш;

экологик аудиторлик ташкилотларининг қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар мониторингини юритиш имкониятини яратиш.

2-боб. Реестрни шакллантириш тартиби

5. Реестрни шакллантириш ва тизимли юритиш ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан белгиланган масъул ходим (кейинги ўринларда – масъул ходим) томонидан амалга оширилади.

Экологик аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин Реестрга киритиш ҳақида ваколатли органга мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан ихтиёрий равишда мурожаат қиласади.

6. Ариза экологик аудиторлик ташкилоти томонидан бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда ваколатли органнинг электрон ёки почта манзилига олинганилиги тўғрисида хабардор қилиш шарти билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

7. Экологик аудиторлик ташкилотининг аризаси ваколатли орган томонидан қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичидаги кўриб чиқилади.

8. Экологик аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аризада:

камчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланган хulosага асосан экологик аудиторлик ташкилоти Реестрга киритилади ва экологик аудиторлик ташкилотига унинг Реестрга киритилганилиги ҳақида (реестр рақамини кўрсатган ҳолда) хабарнома юборилади;

камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, уч иш кунида ваколатли орган бу ҳақда асосларни кўрсатган ҳолда, экологик аудиторлик ташкилотини ёзма равишда хабардор қиласади.

9. Экологик аудиторлик ташкилоти томонидан Реестрга киритмасликка асос бўлган камчиликлар бартараф этилганда, аризани қабул қилишда тақороран рад қилинишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Реестрни юритиш тартиби

10. Реестр электрон маълумотлар базаси шаклида ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали юритилади.

Реестрнинг шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

11. Реестрда экологик аудиторлик ташкилоти тўғрисида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

давлат рўйхатига олиш рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жойлашган ери (почта манзили);

телефони рақами;

электрон почта манзили ва расмий веб-сайти (агар мавжуд бўлса);

экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмаларига аъзолиги (агар аъзо бўлса);

ташкилот раҳбари ва экологик аудиторларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

экологик аудиторнинг малака сертификати берилган санаси, рақами ва амал қилиш муддати;

экологик аудиторлик ташкилотининг Реестрга киритилган санаси;

экологик аудиторлик ташкилотининг Реестрдан чиқарилиш асослари ва санаси (агар мавжуд бўлса).

Реестрга киритилиши зарур бўлган маълумотлар экологик аудиторлик ташкилотлари аризасида кўрсатилган, шунингдек, ваколатли орган томонидан ўзаро маълумот ахборот ҳамкорлиги орқали белгиланган тартибда олинадиган бошқа ваколатли органлардаги қўшимча маълумотлар асосида мустақил юритилади.

12. Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, экологик аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу ўзгаришлар ҳақида ўн иш кунида ваколатли органга ўзгаришларни тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилиши лозим. Бундай маълумотлар ваколатли органга тақдим этилганда, беш иш кунида масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланган хulosса асосида Реестрга ўзгартеришлар киритилади.

13. Экологик аудиторлик ташкилоти қуидаги ҳолларда Реестрдан чиқарилиши мумкин:

экологик аудиторлик ташкилоти томонидан Реестрдан ихтиёрий чиқариш тўғрисида ёзма мурожаат қилинганда;

экологик аудиторлик ташкилотининг фаолият тури ўзгарганда;

экологик аудиторлик ташкилоти тугатилганда;

экологик аудиторлик ташкилотининг қонунчилик ҳужжатларида экологик аудиторлик ташкилотига қўйилган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда.

14. Масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланган тегишли хulosса санаси Реестрга киритиш ёки ундан чиқариш санаси ҳисобланади.

15. Реестрни юритиш давомида тўпланган барча ҳужжатлар ваколатли органда беш йил мобайнида сакланади.

4-боб. Реестрдан маълумотлар тақдим этиш

16. Ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган Реестр маълумотлари барча фойдаланиши учун очиқ ҳисобланади.

17. Реестрдан маълумотлар манфаатдор шахсларнинг мурожаатларига асосан ҳам берилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ваколатли орган маълумотларнинг Реестрга тўғри ва ўз вақтида киритилиши ҳамда ундан доимий равишда маълумотлар олиш имкониятининг яратилиши учун масъул ҳисобланади.

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Экологик аудиторлик ташкилотлари
реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

Ўзбекистон Республикаси
экология, атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши вазирига
га
(Ф.И.О)

дан
(ариза берувчи Ф.И.О)

**Экологик аудиторлик ташкилотлари реестрига киритиш учун
АРИЗА**

Сиздан _____ ни
(экологик аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи)
Экологик аудиторлик ташкилотлари реестрига киритишингизни сўрайман.
Экологик аудиторлик ташкилоти тўғрисида куйидаги маълумотларни
тасдиқлайман:

жойлашган ери (почта манзили) _____

телефон рақами (коди билан) _____

СТИР рақами _____

электрон почта манзили (мавжуд бўлса) _____

расмий веб-сайти (мавжуд бўлса) _____

экологик аудиторларнинг жамоат
бирлашмаларига аъзолиги (агар аъзо бўлса) _____

(жамоат бирлашмаси номи)

экологик аудиторларнинг малака сертификати рақамлари

1) _____

2) _____

Ташкилот раҳбари

имзо ёки
электрон
рақамли имзо
ўрни

(Ф.И.О)

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “19” августдаги 402-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик назорат соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2015 йил 8 октябрдаги 286-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

“Экологик хизмат тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.”;

б) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илова 65-бандининг “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 апрелдаги 258-сон қарорига 1-илова изоҳининг тўққизинчи хатбошиси куйидаги мазмундаги тўққизинчи-ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсан:

***** Мактабгача ва мактаб таълими, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Кадастр ва Адлия бўлимлариға, шунингдек, Солиқ инспекциялариға 1 тадан навбатчи хизмат автотранспорт воситалари белгиланади.

Ушбу иловада белгиланган энг юқори нарх (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан) меъёрлари давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан харид қилинадиган электродвигателли ва гибрид қувватли автотранспорт воситалариға нисбатан ҳам тадбиқ этилади”.

